

ТИЛГА ЭЪТИБОР – ЭЛГА ЭЪТИБОР

Жуманиязова Н.А

ўқитувчи,

Фарғона Давлат университети

Аннотация: ушбу мақолада дунё тили бўлган инглиз тилининг тарихи, унинг глобаллашуви, чет тилини ўрганишга бўлган талааб, унинг дунё тиллари орасида тутмаган ўрни, ҳозирги кунда асосий алоқа воситаси сифатида тан олинганлиги ва катта аҳамиятга эга эканлиги ҳақида сўз боради.

Abstract: This article tells about the history of the English language, which is a world language, its globalization, the demand for learning a foreign language, its place among the languages of the world, its recognition as the main means of communication at the present time and that it is of great importance.

Калит сўзлар: лингвист, империя, Герман тиллари, фонетика, грамматика, лексика, мультимедиа, лингафон.

Keywords: linguist, empire, Germanic languages, phonetics, grammar, vocabulary, multimedia, linguaphone.

Мамлакатларнинг иқтисодий-сиёсий ривожланишидаги ўзаро ҳамкорликлари заминида тил асосий восита вазифасини ўтайди.

Уч тил ва кўп тилларни ўрганиш ўша ҳудуд миллатларининг бир-бирлари билан бўлган мулоқотлари асосида бўлади, чунки бир жойда яшовчи миллат вакиллари бир-бирлари билан мулоқотда бўлиш, бир-бирларини урф-одатлари, анъаналарини ўрганишга мажбурдирлар.

Масалан, Марказий Осиё ҳудудида 100 дан ортиқ миллат вакиллари яшайди, улар ҳар бирлари ўз она тилларига эга.

Ўзбек, қозоқ, қирғиз, тожик, рус, туркман, қорақалпоқ, татар ҳалқлари доимо бир-бирлари билан мулоқотда бўлади, айни пайтда бу тилларнинг баъзиларида ўхшашлик томонлари жуда кўп.

Ўзбек	тожик	рус	немис	инглиз
Она	модар	мать	mutter	mother
Ака	биродар	брать	bruder	brother
Оила	рўзгор	семья	familik	family
Хона	хуна	комната	zimmer	flat
Ном	нум	имя	name	name

Ўзбек	қирғиз	қозоқ	тожик
Гўшт	эт	эт	гуш

Нон

нан

нон

нун

Булардан ташқари, инглиз, немис, француз тиллари мактаб ва олий ўқув юртларида 2- ва 3- тил сифатида ўрганилади. Тилларини ўрганиш ва уларни ҳаётда қўллаш қандай бўлади?

Бу нарса олимлар фикрига кўра аввало тили ўрганилаётган худуднинг халқи билан яқиндан танишиш, урф-одатлари, маданияти, тарихи билан қизиқиш ва ўрганиш асосида бўлади. Биринчидан, ўрганилаётган тил ўрганувчининг она тилига қиёсланиши керак.

Маълум худуднинг тили ўрганилар экан илмий томондан унинг фонетика, грамматика, лексикаси она тилига қиёсланади. Тил ўрганувчининг сўз бойлиги қанчалик кўп бўлса тил ўрганиш унга шунчалик осон бўлади.

Марказий Осиё, жумладан Ўзбекистонга ташриф буюрган Америка, Дания, Англия лингвистлари ўзбек тилини 6 ой ёки 1 йил давомида ўрганиб олишмоқда.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан инглиз, араб, хитой, француз, рус ва испан тиллари расмий иш тили сифатида қабул қилинган. 2010 йилда UNESCO томонидан қабул қилинган қарорга асосан, юқоридаги тилларнинг ҳар бири учун халқаро тил қуни белгиланган. Қарорга кўра инглиз тили учун 23 апрель белгиланди.

Тил кунларини нишонлашдан мақсад, халқлар ўртасида бир-бирларининг тарихи ва маданиятига бўлган ҳурматини англатиш ҳамда эришган ютуқлари билан ўртоқлашишдан иборат.

Инглиз тили ҳақида гап кетар экан, унинг тарихига назар ташлайлик. Инглиз тили Ҳинд-Европа тиллар оиласининг Герман тиллари гуруҳига мансуб бўлиб, унинг ривожланиши 3 даврни ўз ичига олади. 1500 йилдан ҳозирги давргача инглиз тили ривожланишининг 3 даври ҳисобланади. Инглиз тилининг дунё бўйлаб тарқалишининг асосий сабаби, Британия империясининг кўплаб мамлакатларни мустамлакага айлантиришидир.

II жаҳон урушидан кейин глобализация шароитида АҚШ ва Англия барча соҳаларда етакчиликни ўз қўлига олади. Урушдан кейин БМТ ва бошқа бир қатор халқаро ташкилотларнинг вужудга келиши ҳамда барча соҳаларда глобал алоқа ҳисобланган интернет тизимининг амалга тадбик этилиши натижасида инглиз тили асосий халқаро расмий тил сифатида қабул қилинди.

Ҳозирги кунда тил ўрганишга эҳтиёж кучайиши билан бир вақтда тил ўрганиш учун шароитлар ҳам жуда катта. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 10 декабрь, ПҚ-1875-сонли “Чет тилларини ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорига асосан тил ўрганиш учун барчага жуда катта шароитлар яратилди. Жумладан, ОАВга чет тилининг киритилиши, мактабларда 1-синфдан чет тили дарслари кўйилиши, ҳамда дарсларнинг юқори савияда ўтилишини таъминлаш учун ўйин, мултъимедиа тарзида ўтилишига катта эътибор қаратилмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги қонуни ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга ошириш чет тилларни ўқитишнинг комплекс тизимини яратишга, ўқимишли, билимли, замонавий фикрловчи келажак авлодни шакллантиришга, республиканинг жаҳон ҳамжамиятидаги ролини кучайтиришга йўналтирилган тизим яратилишига замин яратади.

Мустақиллик йилларида 52 мингга яқин чет тили ўқитувчилари тайёрланди, умумтаълим мактабларида 5-9 синфлар учун чет тилида мультимедиа дарслклари, бошланғич синфлар учун чет тилини ўрганиш бўйича электрон ресурслар тайёрланди, касб-хунар коллежлари ва академик лицейларда 5 мингдан ортиқ лингафон хоналари жиҳозланди.

Лекин, чет тилини ўрганишнинг амалдаги тизимини таҳлил қилганда, баъзи камчиликлар ҳам кўзга ташланади. Хусусан, ўкув дастурлари, илғор педагогик технологиялардан, мультимедиадан фойдаланиш талабга жавоб берадиган даражада эмас. Таълим тизимининг барча босқичларида чет тилини узлуксиз ўрганишни ташкиллаштириш, ўқитувчilar малакасини ошириш, замонавий ўкув-услубий материаллар билан таъминлашни янада такомиллаштириш зарур.

Бизнинг тарихимиз, адабиётимиз, маданиятимизга ўзларининг буюк ва муносаб ҳиссаларини қўшган алломаларимиз А.Навоий, Аҳмад ал Фарғоний, ал Хоразмийлар ҳам икки ва ундан ортиқ тилларни билишган.

Худди шу ўринда А.Навоийнинг «Икки тил муҳокамаси» асарини тилга олиш мақсадга мувофиқдир.

Демак, «тил билган эл билади» деганларидек, бошқа халқ, элатлар ҳақида чукур тасаввур ва билимга эга бўлиш учун уларнинг тарихи, маданияти, урф-одатларини билиш учун ўша худуддаги миллат тилини ўрганиш зарурдир.

Хулоса қилиб айтганда, ҳозирги кунда инглиз тилининг аҳамияти бекиёсdir. Бошқа мамлакатлар билан халқаро алоқаларда бошқа чет тилларига нисбатан инглиз тилида купроқ мулоқот қиласиз. Ҳозирги кунда ёшларимиз чет тилини мукаммал билганлиги боис чет элликлар билан фаолият олиб бориш, халқаро ташкилотлар, қўшма корхоналар, ташкилот, элчихоналар ва кенг миқёсда олиб борилаётган иқтисодий таълим, илмий-маданий, савдо ва тадбиркорлик каби йўналишларда тенг рақобатга кириша олмоқдалар. Тарихий шаҳарларимизда минтақавий, халқаро анжуманлар, ярмарка, семинарлар ўтказиш, БМТнинг 6 та расмий иш тилида синхрон таржималарни юқори савияда таъминлай оладиган таржимонларимиз бошқа халқ вакиллари билан ўзаро муносабатга киришишда етакчиликни ўз қўлларига олмоқдалар.

АДАБИЁТЛАР:

1. Jumaniyazova, N. A. O. (2022). MALAYZIYA TAASSUROTLARI (2002-2003-YILLARDAGI XIZMAT SAFARI ASOSIDA). *Scientific progress*, 3(2), 868-873.

2. Jumaniyazova, N. A. O., & Mavlonova, S. T. U. (2022). CHET TILINI O'RGGATISHDA KOMMUNIKATIV PRINSIPLAR HAMDA YANGI PEDAGOGIK TEKNOLOGIYANING ROLI. *Central Asian Academic Journal of Scientific Research*, 2(2), 118-122.
3. Jumaniyazova, N. A. (2021). KITOB TARIXI. *Eurasian Journal of Academic Research*, 1(9), 942-944.
4. Nabijonova, F. (2022). Boshlangich sinflarda didaktik oyinlarning ahamiyati: Nabijonova Feruza. *Qo'qon universitetining ilmiy materiallar bazasi*, 1(000006).
5. Gulnoza, R., & Lola, K. (2022). OBRAZLAR TALQINIDA LINGVISTIK IMKONIYATLAR. *Central Asian Research Journal for Interdisciplinary Studies (CARJIS)*, 2(Special Issue 3), 91-95.
6. Usmanova, O. S. (2022). National curriculum and new generation mathematics textbook. *Asian Journal of Multidimensional Research*, 11(2), 11-16.
7. Shuxratova, Y. (2021, March). DRAMATIC WORKS AND THE SAD CONCEPT OF SPEECH. In *Archive of Conferences* (Vol. 17, No. 1, pp. 266-268).
8. Tillaboyeva, G. S. Q. (2022). ALISHER NAVOIY SHE'RIYATIDA "SHAXS" TUSHUNCHASI. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 2(2), 182-196.
9. Yunusov, Z. (2021). Modern English. *The American Journal of Social Science and Education Innovations*, 3(11), 47-52.
10. Yunusov, Z. (2021). Is it possible to learn english by self-study. *Asian Journal of Multidimensional Research*, 10(11), 16-21.
11. Qizi, G. S., & Umarova, N. R. (2021). The use of anthroponyms and pseudonyms in alisher Navoi's gazelles. *ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal*, 11(9), 349-353.
12. Tillaboyeva, G. S. Q. (2022). TILSHUNOSLIKDA LIBOS NOMLARI. *Scientific progress*, 3(4), 506-514.
13. Ботирова, Н. (2020). Обучающие возможности тестовых технологий. *Профессиональное образование и общество*, (3), 68-71.
14. Ботирова, Н. Д. (2019). РАЗВИТИЮ ПРОДУКТИВНОГО МЫШЛЕНИЯ МЛАДШИХ ШКОЛЬНИКОВ. *Гуманитарный трактат*, (61), 4-6.
15. Ботирова, Н. Д. РАЗВИТИЮ ПРОДУКТИВНОГО МЫШЛЕНИЯ МЛАДШИХ ШКОЛЬНИКОВ DEVELOPMENT OF PRODUCTIVE THINKING OF YOUNGER SCHOOLBOYS. *Журнал выпускается ежемесячно, публикует статьи по гуманитарным наукам. Подробнее на*, 4.